
Пастки Хўжа Хасанликларга байрам тўқфаси

Қува тумани Пастки Хўжа Хасан маҳалла фуқаролар йиғинининг Олмабоғ кўчаси аҳли кўчанинг таъмирга муҳтожлигидан қийналишарди. Ёз-куз мавсумида чанг-тўзон, баҳор-қиш фаслида эса лойгарчилик аҳолини асосли мурожаатларига сабаб бўлаётган эди.

Туман ҳокимлиги ҳамда 2-сектор раҳбарига қилинган мурожаатлари ижобий ҳал этилиб, туман ҳокимлиги ҳомийлигида мустақиллик байрами арафасида кўчанинг 580 метр қисми асфальтлаштирилди.

Қува тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Отабек Тошматов ҳудудда аҳоли вакиллари билан учрашиб, асфальтлаштириш жараёнлари билан танишди.

Мустақиллий байрами арафасида ҳудудларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда

2022-08-25 12:48:55